



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy, 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “ 22 ” fevral

Қ-103 -son

Termiz sh.

**Қумқўрғон туманидаги “Ўзбекистон” массиви
“Ғалаба” маҳалласи ҳудудидан “PROF-
ТА’MIR BIZNES” МЧЖга боғ ташкил этиш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 05-02/9-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 14 ноябрдаги 269/01-36-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қумқўрғон туманидаги “Ўзбекистон” массиви “Ғалаба” маҳалласи ҳудудидан “PROF-ТА’MIR BIZNES” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан кишлоқ хўжалик харитасининг 356к-дала контуридаги жами 6,40 гектар, шундан 6,20 гектар яйлов ва 0,20 гектар йўл билан банд бўлган ер майдони боғ ташкил этиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов